

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ

2022й

А. 10. 2022ч.

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона -2022

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 06 июндаги ПҚ-271 сонли қарорига мувофиқ Сўх т. “Зангат” КСЗ да электр қурилиш монтаж ишларини бажариш хизмати.

1.2. Танлов қиймати 242 100 680 (Икки юз қирқ икки миллион бир юз минг олти юз саксон) сўм

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати—аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона шаҳар Кувасой куча 74-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, соҳга оид тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги молиявий ҳамда малакавий талаблар қўйилиб таклифлар қуйидаги баллар асосида 10 баллик тизим билан баҳоланади.

Молиявий фаолият. 10 балл

Танловда қатнашиш учун объект қийматининг 20% миқдоридаги пудратчи ҳисоб рақамида айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки буюртмачи томонидан талаб қилинган миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк қафиллиги.) **5 балл**

Тендер иштирокчисининг молиявий аҳволи. (Пудратчи корхонанинг 2021 йил учун ва 2022 йил 6 ойлик учун баланс, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар ва уларнинг нусхаларини давлат солиқ органларидан тасдиқланган шакли илова қилиниши шарт.) **5 балл**

Мехнат ресурслари тугрисида. 10 балл.

Ишчи ходимларини тасдиқланган рўйхати **5 балл**

Мехнат ресурслари базаси my.mehnat.uz билан интеграция қилинган ишчи ходимларининг тасдиқланган маълумоти. **5 балл**

Корхона тўғрисида умумий маълумот. 10 балл

Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона низоми. Якуний бенефициар тўғрисида тасдиқланган маълумот. **2 балл**

Ҳавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш. (Ҳавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия мавжудлиги) **5 балл**

Маҳаллий ва харкаро ISO сертификатлари

(Айнан энергетика йўналишида ISO-9001/14001/45001) **3 балл**

Каррупцияга қарши курашиш бўйича ариза. 10 балл

Танлов иштирокчилари каррупцияга қарши курашиш бўйича аризани тасдиқланган ҳолатда “Фаргона ХЭТК” АЖ танлов комиссиясига электрон ҳолатда тақдим этишлари шарт. **10 балл.**

Машина механизмлари тўғрисида маълумот. 10 балл

Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. (Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. **5 балл**

Ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.) **5 балл**

Иш тажрибаси. 10 балл

Сохага оид бажарилган ишларнинг тасдиқланган рўйхати. **2 балл**

Пудратчи томонидан mu.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали базаси билан интеграция қилинган сохага оид топширилган ишлар сони: 1-10 донагача – **2 балл**, 10-50 донагача - **4 балл**, 50-100 донагача – **6 балл**, 100 дан ошиқ бажарилган ишга – **8 балл** (Барча маълумотлар базадан текширилади).

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар 3.2. банд бўйича тасдиқланган ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш 3.2. бандда талаб этилган бошқа ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) тавсифини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИИБ бошлиғи:



И. Мадмаров.